



АХСР

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz @XXlasr_yangiliklari asrgazetasi xlasr@mail.ru xlasrgazetasi xlasrgazetasi

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

МАВСУМ

ХИРМОН ДОНГА, ДАСТУРХОН НОНГА ТЎЛАДИ



Эътибор берганмисиз, халқимиз ҳеч бир мева ёки зироатчиликни ғалла каби кўп нақл қилмаган: “Ғалла эккан – бахт эккан”, “Ғалласиз омбор – жонсиз тан”, “Бир донадан ғарам чиқар”, “Ғалла – ризқнинг калити”...

Нега шундай? Гап шундаки, дон бўлса, нон ҳам бўлади. Нон бор экан, жон омонда бўлади. Шунинг учун эл ғалла етиштирган деҳқонни – ўз халқини боққан ҳотамтой бойлар сафида кўрган. Бугун ҳам ғалла етиштираётган деҳқонлар кам бўлаётгани йўқ!

4

О'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ О'ZLiDeP ФРАКЦИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ДАСТЛАБ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНING ОЗАРБОЙЖОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ҲАМДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ 17-САММИТИДАГИ ИШТИРОКИ ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ.

Таъкидланганидек, ташриф давомиди имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани 2025-2029 йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, Фан, касб-хунар ва олий таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим ва 2025-2026 йилларга мўлжалланган саноат кооперацияси дастури каби ҳужжатлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиради.

Шунингдек, 2030 йилга қадар товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш дастури, 2025-2027 йилларда қишлоқ



хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиради.

Президентимизнинг ИХТ саммитида можаро ва низоларни дипломатия ва конструктив музокаралар йўли билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратгани мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатининг амалдаги ифодаси экани қайд этилди. Давлатимиз раҳбарининг “Иқтисодий ҳам-

корликнинг стратегик мақсадлари – 2035” концепциясини қабул қилиш, Тошкент шаҳрида савдо вазирларининг учрашувини ўтказиш, “яшил йўлаклар” тизимини яратиш, “Экоинвест” дастурини қабул қилиш, Рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этишни тезлаштириш тақлифлари халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Депутатлар саммитда илгари сурилган ташаббуслар ИХТ фаолиятини янги bosқичга олиб чиқишини эътироф этишди.

О'zLiDeP фракциясининг ўтган кунги йиғилишида эса “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Эслатиб ўтамиз, мазкур қонун лойиҳаси парламентдаги кўпчилик – “Тараққиёт блоки”ни тузган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва “Миллий тикланиш” демократик партияси депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳаси муҳокамалардан сўнг депутатлар томонидан маъқулланди.

Кун тартибидagi навбатдаги масала – “Давлат mulкини хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Фракция аъзолари бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган, шу жумладан, давлат иштирокидаги корхоналарнинг носоҳавий активларини хусусий секторга беришни жадаллаштириш мақсадида давлат mulкини хусусийлаштириш жараёнлари соддалаштирилиётганлиги, тўсиқлар бартараф этилаётганлиги, тадбиркорларга қўшимча енгилликлар берилаётганлигини эътироф этишди.

Мухбиримиз

БУГУНГИ СОНДА:

“Ишбилармон аёл – 2025”

2.



Йўллар яна сайловчилар ҳузурига элтади

3.



Рўйхатларда бормиди номи?..

5.



Кинони кино қиладиган адабиёт!

6.



МИЛЛИЙ, МИНТАҚАВИЙ ВА ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ МУАММОЛАРГА БИРГАЛИҚДА ЕЧИМ ИЗЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбойжон Республикасига қилган расмий ташрифи доирасида Хонкенди шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) 17-саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тошкентдаги тарихий саммитдан кейин ИХТ институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг янги йўналишларини йўлга қўйиш борасида салмоқли ютуқларга эришилганини алоҳида қайд этди. Шу билан бирга, бугунги кунда дунё ҳамжамияти жиддий инқирозларни бошидан кечираётгани, айниқса, аксарият зиддият ва низолар айнан ИХТ маконида юз бераётганини афсус билан тилга олди. Бу борада ҳар қандай тинчлик ва тараққиётнинг асоси, аввало, иқтисодий ҳамкорлик эканини таъкидлар экан, ИХТ доирасидаги шериклик нафақат табиий, балки стратегик аҳамиятга эга эканини урғулаб, муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Биринчидан, савдо, инвестиция, транспорт, энергетика, sanoat, қишлоқ хўжалиги, экология, туризм ва таълим каби анъанавий йўналишлар билан бир қаторда инновациялар, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Товар ва хизматлар савдосини соддалаштириш, техник ва нотариф тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш, электрон савдони кенгайтириш долзарб масала экани қайд этилди. Бу нуктаи назардан, “Иқтисодий ҳамкорликнинг стратегик мақсадлари – 2035” концепциясини қабул қилиш таклиф этилди.

Иккинчидан, ўзаро савдо ҳажми ҳали ҳам паст даражада эканига эътибор қаратилди. 2024 йилда бу кўрсаткич 95 миллиард долларни ташкил этиб, ташкилотга аъзо мамлакатлар умумий савдо айланмасининг атиги 10 фоизини ташкил этмоқда. Шу боис савдони соддалаштиришга доир махсус битим тузиш ва қелишувга эришиш мақсадида жорий йил Тошкент шаҳрида савдо вазирларининг учрашувини ўтказиш таклиф этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси бўйича тезкор маълумот алмашиш ва тўсиқсиз етказиб беришни таъминловчи “яшил йўлақлар” тизимини яратиш таклифи билдирилди.

Учинчидан, минтақада самарали ва ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, инвестицияларни жалб этиш, банклар ва халқаро молия институтларини кенг жалб этиш муҳим экани таъкидланди. Шу муносабат билан узоқ муддатли “Экоинвест” дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш таклифи илгари сурилди.

Тўртинчидан, геосийсий воқеалар халқаро логистика занжирларининг узилиши хавфини янада кучайтирганини инобатга олган ҳолда, муқобил транспорт



Одилжон МАМАДАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

йўлақларини шакллантириш стратегик аҳамият касб этиши айтилди. Шу муносабат билан рақамли транспорт ва божхона идорасини ташкил этиш ташаббусини амалиётга жорий этиш, Самарқанд шаҳрида Миллий авиакомпаниялар форумини ўтказиш таклифи билдирилди.

Бешинчидан, туризм соҳасида сайёҳлар оқимини камида икки баробарга ошириш имконияти мавжудлиги қайд этилди. Бу мақсадда туризм хизматларини кенгайтиришга қаратилган махсус йўл харитасини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Олтинчидан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича глобал мақсадларга содиқ қолган ҳолда, чўл ҳудудларида ўрмонзорлар барпо этиш, рекреация зоналарини яратиш орқали трансчегаравий “яшил дастур”ни амалга ошириш айтилди.

Асосий хулоса шуки, давлатимиз раҳбари Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида илгари сурган барча таклиф ва ташаббуслар нафақат Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, балки бутун минтақа ривожига, барқарорлиги ва фаровонлигига хизмат қилади. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар билан уйғун бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги стратегик мақсадлар билан чамбарчас боғлиқдир. Илгари сурилаётган ҳар бир ташаббус нафақат миллий, балки минтақавий ва глобал миқёсдаги муаммоларга ечим топишга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёдаги энг мустаҳкам ришталардан бири шубҳасиз қон-қардошлиқдир. Бундай ришталар даврлар оша эскирмайди. Аксинча, вақт ўтгани сари янада тобланиб, серқирралик касб этиб боради. Ўзбек ва озар халқларини бирлаштириб турган тарихий тафаккур ва маънавий туйғуларнинг муштарак оҳанги бугун ёки кеча пайдо бўлган эмас. Икки халқ ўтмишда бирга қурган тамаддунларни бугунги кунда янада мустаҳкам ҳамкорлик, ўзаро ишонч ва дўстлик тамойиллари асосида тикламоқда.

Бугун дунё янги геосийсий воқеликлар сари юз тутаяётган, глобал манфаатлар тўқнашувида ҳақиқий дўст ва ишончли ҳамкор топиш осон бўлмаган бир даврда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг ўзаро муносабатлари фақат иқтисодий эмас, балки тарихий, маънавий, маданий ва геостратегик аҳамиятга эга воқелик сифатида тобора юксалмоқда.

Президентимизнинг Озарбойжон раҳбари таклифига биноан ушбу мамлакатга уюштирган давлат ташрифи – фақат расмий мулоқот эмас, икки халқ қалбининг яқинлашуви, келажакни бирга қуришга бўлган



Илҳом БОТИРОВ,
O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши раиси,
Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати

ТАРИХИЙ БИРЛИКДАН ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ САРИ

муштарак интилишининг ёрқин ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Шавкат Мирзиёевнинг минтақа, айниқса қўшни давлатлар билан тарихий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва бу асосда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда.

Кўп йиллардан буён ечимини кутаётган муаммоларга йўл топилаётгани, халқларимизнинг борди-келдисини, йўқлигини кучайиб бораётгани — айнан шу сиёсий ирода ва очиқ мулоқот сиёсатимиз самарасидир. Бу эса, табиийки, қон-қардош халқларнинг юрагини қувончга тўлдирмоқда.

Ўзбек ва озар халқлари тарихан бир-бирига ниҳоятда яқин, турмуш тарзи, орау-интилишлари, мақсад ва муддаолари муштарак бўлган халқлардир. Улар бир-бирини таржимонсиз, қалб сўзи — она тили орқали тушунади. Шу боис, тарих, адабиёт, маданият, санъат ва меъморчилик соҳаларида яратилган дурдоналар ҳам икки халқ томонидан бирдек қадрланади, “бизники” деб эъзозланади. Бу ҳақиқатни минг йиллик тарих тасдиқлайди.

Бугунги глобал дунёда ҳеч бир мамлакат ёки миллат ташқи алоқаларсиз, ўзаро ҳамкорликсиз тўлиқ ривожлана олмаслиги аён. Бунинг учун эса махсулот ва хизматлар экспорт-импорти, олди-сотдиси, борди-келдисини аниқ ҳуқуқий асослар, халқаро, сиёсий ва иқтисодий қелишувлар доирасида амалга оширилиши лозим. Мана шундай долзарб масалалар давлат раҳбарларининг расмий ташрифлари доирасида устувор масала сифатида муҳокама қилинаётир. Ушбу учрашувларда

имзоланаётган ҳужжатлар эса алоқаларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларида кооперацияни кенгайтириш, ўзаро алмашинувларни кучайтириш масалалари атрофича муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари Бoku шаҳрида бўлиб ўтган Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йўналишида ҳамда Хонкенди шаҳридаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 17-саммитида фаол иштирок этди. Бу воқеаларни ҳақли равишда тарихий деб аташ мумкин.

Ўндан ортиқ икки томонлама битимлар имзоланди. Бу эса давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганлигининг ёрқин далилидир.

Маълумот ўрнида: сўнгги саккиз йилда Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги ўзаро товар айланмаси қарийб 8 баробарга ошиб, 2024 йил якунларига кўра 253 миллион АҚШ долларига етди. Мамлакатимиздан экспорт 7,5 баробарга ўсиб, 208 миллион долларни ташкил этди. Импорт ҳажми эса 45 миллион доллар атрофида бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, глобаллашув даврида халқлар ва давлатлар ўртасидаги самимий муносабатлар, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч — тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори саналади. Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасидаги муносабатлар мана шу қадриятларга асосланган ҳолда тобора ривожланиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Бу тарихий бирлик — абадий бирлик сари йўлди.

САМАРҚАНД

БИР КУНДА БИР ЯРИМ ТОННА ҚУРУТ

O'zLiDeP Булунғур туман кенгаши томонидан 2-политехникумда кўрик-танловнинг туман босқичи ташкил этилди.

Тадбирда партия вилоят кенгаши масъуллари Н. Тўраев, К. Аҳмаджонова, депутатлар, ҳокимлик, савдо-саноат палатаси ва хунармандлар уюшмаси вакиллари иштирок этди. Танловда маҳалалардан сараланган энг фаол ва ташаббускор аёллар ўз лойиҳалари, эришган ютуқлари ва режаларини тақдим этди.



Натижаларга кўра, Назира Расулова фахрли биринчи, Мунира Шагдарова иккинчи, Шаҳзода Сайдалиева эса учинчи ўринни эгаллади.

– 15 йилдан буён қатикдан ўндан ортиқ махсулотлар ишлаб чиқаряпмиз, – дейди биринчи ўрин соҳибчи Назира Расулова. – Бир кунда 1-1,5 тонна қурут тайёрлаймиз. 20 нафар ёшлар ва хотин-қизларни иш билан банд қилганмиз. Камтарона меҳнатимиз қадрланиб, туман босқичи ғолиби бўлганимдан жуда хурсанд бўлдим. Шу бахонада ҳамкасбларимдан тажриба ортирдим, фаолиятимни янада кенгайтириш истаги кучайди.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят
кенгаши матбуот хизмати

ХОРАЗМ

ШИРИН МЕВАГА ЕТГУНЧА...

“Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг Қўшқўпир туман босқичи ҳам кўплаб хотин-қизларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини намоён этиши учун қўлай имконият бўлди. Айниқса, улар тақдим этган лойиҳалар нафақат иқтисодий самарадорлиги, ижтимоий аҳамияти билан ҳам йиғилганлар ва ҳакамлар эътиборини қозонди.

Мана, Довуд маҳалласида яшовчи Светлана Машарипова раҳбарлик қилаётган “Зулхумор текстиль” корхонаси асосан сочиқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва йилига 500 минг АҚШ доллариллик махсулотни Россияга экспорт қилмоқда. Бу кўрсаткич туман саноати учун катта ютуқ саналади. 18 нафар аёл иш билан таъминлаган.



– Фаолиятимни битта тикув машинаси билан бошлагандим, – дейди Светлана Машарипова. – Бугун эса биз ишлаб чиқараётган сочиқлар нафақат Ўзбекистонда, чет эл бозоридида ҳам ўз ўрнини топа олди. Бунинг ортида катта меҳнат, ишонч ва давлатимизнинг ғамхўрлиги бор.

“Хосиён Жасур” фермер хўжалигида 47 нафар ишчи меҳнат қилади. Мазкур кўп тармоқли хўжаликда пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчилик ривожланган.

– Фермерлик осон иш эмас, – дейди хўжалик раҳбари Сайёра Тўраева. – Ширин меваларни тотиш учун анча меҳнат қилиш лозим бўлади. Табиат билан тил топилиш, меҳнаткаш инсонларни бир жамоа қилиб шакллантириш, ерга муттасил меҳр ва эътибор зарур. Ҳосил кўтарилгач, барча чарчоқларни унутасиз.

Натижаларга кўра Светлана Машарипова фахрли 1-ўринни, Сайёра Тўраева 2-ўринни, Гавҳаржон Матназарова эса 3-ўринни эгаллади.

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ

ҚАРШИНING ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАРИ

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят ва Қарши шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Роғузар маҳалласида ўтган тадбирда 25 та маҳалланинг саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган тадбиркор, хунарманд аёллар иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати Ҳўжахиёл маҳалласида оқшом либослари яратаётган Сарвиноз Муродова, равоқлик қандолатчи Дилноза Азимова, пахтазорлик хунарманд Камола Турсунова, атир совунлардан гул ва безаклар ясовчи махсумобдлик Зебинисо Нормуродова, гиламчилик мактаби ташкил этиб, юздан ортиқ қизга хунар ўргатиб келаётган шайхалилик Хулкар Эгамназарова, қарликбоғотлик тикувчи Гулзода Раҳимова, Самарқанд маҳалласидаги тикув цехи раҳбари Гулноза Ҳалимованинг ишбилармонлик салоҳияти, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этишди.



Биринчи ўринга Роғузар маҳалласида миллий хунармандчилик мактабига асос солган Ҳамида Бўронова лойиқ топилди. “Аёллар дафтери”да тараққан 15 нафар маҳалладошини иш билан таъминлаган тадбиркор устоз-шоғирд анъанасини давом эттириши асосида ҳар йили элликдан ортиқ қизга миллий каштачилик, чопон ва дўппи тикишни ўргатишмоқда.

Иккинчи ўринга трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариб, бозорга етказётган Дилноза Рўзиева сазовор бўлди. Боғишамол маҳалласида “Gulchehra tekstil golden” хусусий фирмаси ташкил этиб, аёллар ва болалар кийимларини буюртма асосида тайёрлаб, 15 нафар аёл бандлигини таъминлаган Гулчехра Мухаммадиева учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳалиб ва фаол иштирокчиларга партиянинг диплом ва эсдалик совғалари топирилди.

Малика АҲМЕДОВА,
O'zLiDeP Қарши шаҳар кенгаши
раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари



ЙЎЛЛАР ЯНА САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИГА ЭЛТАДИ

Ранг кўр, ҳол сўр. Халқимиз бу нақлни жуда топиб айтган-да. Кимгадир ёрдам бермоқчи бўлсангиз, аввал унинг ҳузурига боринг, айтса дардини тингланг. Айтмаса юзи-кўзига синчов разм солинг, чунки ҳамма ҳам дардини айтавермайди.

Чин дилдан кўмак бергани келганингизни билдирсангиз ва у сизга ишонса аста-секин очилади. Таклифи борми, муаммоси борми, баён қилади. Жамият вакилларининг дарду ташвишларига ҳамдард ва ҳамфикр бўлсангизгина сизга ишонч ортади. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда турли даражадаги идоралар раҳбарлари, жумладан, одамлар ишониб овоз берган депутатлар иштирокида кечаётган юзма-юз мулоқотларнинг халққа нафи катта бўлаётир. Шу маънода Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг сайловчилар билан учрашувлари тобора кучайиб бормоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Қонунчилик палатаси депутати Гулжан Халмуратова Қўнғирот тумани Қангли овулидаги “Адил-К” фермер хўжалиги раҳбари Мурат Куденов билан мулоқот қилар экан, мамлакатимизда фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани хусусида гапирди, сўнг фермернинг таклиф ва муаммолари ҳамда келгуси режаларини тинглади. Айни кунларда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Умумий ер майдони 61 гектар бўлган хўжаликнинг 52 гектарига пахта экилган.



Депутат маҳалла етакчилари билан ҳам мулоқот қилиб, уларнинг фаолиятини ўрганди. Қангли овули географик жойлашуви, тупроғининг унумдорлиги йилнинг тўрт фаслида ҳам деҳқончилик қилишга имкон беради. Азалдан боғ-бонлар юрти бўлган бу қишлоқ аҳли томорқа ерларидан унумли фойдаланиб келмоқда.

Халқ ноиби томорқачи Дузелбай ака Содиков ва Сапаргул ая Қалбаеванинг хонадонида бўлиб, улар билан самимий суҳбат қилди. Хонадон эгалари деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан кўп йиллардан билан шуғулланиб келади. Томорқачилик илмини болаларига, келинларига, невараларига ҳам ўргатаётир.

Қонлиқул туманидаги “LAN-G” МЧЖ 2020 йилдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган. Ушбу йирик корхонада қизилмия илдизидан шираси олингач, куритиб Япония, Корея, Франция давлатларига экспорт қилинмоқда. Хитойдан келтирилган технологиялар асосида илдиз тўрт босқичда қайта ишланиб, ярим тайёр маҳсулот ҳолатида чиқарилмоқда. Ишчилар учун қулай шароитлар яратилган, маошлари ўз вақтида берилмоқда. Буш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун барча шароит мўҳайё. Мулоқот давомида депутат тумanning ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишида шундай йирик корхоналарнинг ишга туширилиши аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини қайд эди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси Равшан Фазиллов Юнусобод туманидаги “Anfa” клиник тиббиёт марказида мижозлар учун яратилган шароитлар билан танишди. Унга бош шифокор Баҳром Ҳабибуллаев ҳамроҳлик қилди.

Кўп тармоқли тиббиёт маркази кенг қўламли сифатли даволаш ва диагностика хизматларидан ташкил топган. Клиникада беморлар ўнлаб малакали мутахассислар текширувидан ўтиши мумкин.

Депутат шифокорлар билан суҳбатлашиш асносида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш борасида давлатимиз томонидан берилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эркин Зоҳидов Мирзо Улугбек тумани Оққўрғон маҳалласида бўлди. У ердаги еттилик фаолиятини ўрганди. Ўз навбатида қонун лойиҳалари ва қабул этилаётган қонунлар тўғрисида аҳолини хабардор қилди.



Юнусобод тумани Бўзсув маҳалла аҳли билан учрашувда эса электр энергияси ва газ тўловлари тарифидаги ўзгариш, имтиёзлар, улардан оқилона фойдаланиш бўйича маълумот берди. Сайловчиларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эшитди, саволларга жавоб берди. Ёшлар ва аёлларга ижтимоий ёрдам кўрса-тиш, уларни иш билан таъминлашнинг маҳалладаги ҳолатини таҳлил қилди.

САМАРҚАНД



Халқ депутатлари Пайариқ туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида O'zLiDeP фракцияси аъзолари, вилоят кенгаши бўлим мудирилари ва маҳаллий кенгаш депутатлари, ҳисобдор ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хусан Ярқулов иштирок этиб, парламент қўйи палатаси вакиллари олиб бораётган ишлар, қонунчиликдаги янгилликлар, маҳаллий кенгашлар олдидан турган масалалар ва сессияларда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга тўхталди.



“Агробанк” АТБ Самарқанд вилоят бошқармаси туман бўлими масъули ўз ҳисоботида банк тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга жиддий эътибор қаратаётганини айтди. Бунда имтиёзли ресурслар, механизм ва енгилликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали аҳоли бандлиги таъминланаётгани, иқтисодиёт тармоқларида расмий банд бўлган фуқаролар рағбатлантирилаётгани амалий натижа бермоқда. Хусусан, йиллик 25 фоиз (аёлларга 23 фоиз)дан 4 йил муддатга, 1 йилгача имтиёзли тўлаш даври билан 17 миллион сўм кредитлар ажратиб берилди. Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача йиллик 20 фоиз, “Маҳалла лойиҳаси”га асосан 50 мил-

лион сўмгача йиллик 25 фоиз (аёлларга 23 фоиз)дан 5 йил муддатга, 2 йиллик имтиёзли давр асосида сармоялар берилди.

“Халқ банки” туман бўлими масъули эса Президентимизнинг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича бажарилган ишларни тақдим этди. Жорий йилнинг шу давригача ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 408 нафар ёшга 6 млрддан ортиқ имтиёзли кредитлар йўналтирилган.

Савол-жавобларга бой йиғилишда депутат Хусан Ярқулов ўз таклифларини билдирди. Кейинги эшитувларда ташкилот раҳбарлари иш фаолиятини мукаммал ўрганишлари тайинланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

СИРДАРЁ



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гавҳар Олимова Боевут туманидаги бир неча маҳаллада аҳоли билан сайёр учрашув ўтказди.



Наврўз, Фарҳод, Маънавият ва Ижодкор маҳаллаларидаги учрашувлар давомида фуқаролар томонидан коммунал хизматлар, инфратузилма, таълим муассасалари хавфсизлиги ва дебитор қарздорлик билан боғлиқ долзарб масалалар ўртага ташланди. Ижодкор ва Маънавият маҳаллаларида 28 млрд сўмлик норéal деб ҳисобланаётган қарздорлик масаласи аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётгани таъкидланди. Маҳалла фаоллари бу масала юзасидан адолатли ечим талаб қилмоқда. Маънавият маҳалласининг ичимлик суви таъминоти, канализация тизими ва ички кўчалар ҳолати аҳоли учун жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этилди.

Беруний маҳалласида жойлашган 1-мактабнинг катта йўл бўйида жойлашгани ўқувчилар учун хавф туғдираётир. Маҳалла раиси Исоқул Ғафоров таълим муассасасига олиб боровчи 250 метрлик пйёдалар йўлагини бетонлаштириш зарурлигини депутатга етказди. Фуқаролар томонидан оқова сув насоси туман ободонлаштириш бўлими балансига ўтказилиши, йўл таъмири ва бошқа инфратузилмага оид масалалар юзасидан ҳам амалий ёрдам сўралди.

Депутат ҳар бир масалани диққат билан эшитиб, уларни мутасаддилар билан ҳамкорликда жойида ўрганиш ва расмий мурожаатлар юбориш юзасидан маслаҳатлашди.

ХОРАЗМ



Ички йўллар ачинарли аҳволда. Айниқса, ёмғирли кунларда қўлмақ ва ботқоқлик болаларнинг мактаб ва боғчага қатнашида катта қийинчилик туғдиради...

Бу Хонқа тумани Зиноҳос маҳалла аҳлини безовта қилаётган муаммолардан бири. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиева билан юзма-юз мулоқотдан фойдаланиб, аҳоли бу масалани ҳал қилишни унга етказди.

Депутат муаммони жойида ўрганиб, тегишли ташкилот мутасаддилари билан боғланиб ва мурожаат юзасидан аниқ вазифаларни белгилаб, ижро назоратини таъминлаш бўйича топшириқлар берди.

O'zLiDeP фракцияси аъзоларининг халқ билан жойларда мулоқотлари давом этмоқда.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” муҳбири

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФО БЎЛСАЙДИ...

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида вилоят Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси бошлиги Шерзод Бозоровнинг ҳисоботи тингланди.

– Мамлакатимизда “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси” қабул қилинган бўлиб, унда биоиктисодиётнинг асосий тармоқлари – қишлоқ, сув ва ўрмон хўжаликларида самарадорликни ошириш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлашни такомиллаштириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириш кўзда тутилган, – деди у. – Ҳар бир фуқаронинг табиатга онгли муносабатда бўлиши нафақат ўз оиласи, атрофдагилар саломатлигини сақлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши борасида тарғибот ишлари олиб бориляпти. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар бунинг яққол далилидир. Чиқиндиларни камайтириш ва уларни



қайта ишлаш тизимини самарали йўлга қўйиш ҳам шулар жумласидан.

Ёпиқ цикли иқтисодиёт экологик муаммоларни ҳал қилишнинг асосий чорасидир. Чунки ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг барқарор моделларини яратиш иқлим ўзгаришига қарши курашиш, ин-

новацияларни татбиқ этиш, бизнесни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш имконини беради.

Қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш ва маҳсулотлардан такроран фойдаланиш ёки уларни қайта ишлаш учун изланылмиш. Президентимизнинг жорий йил

24 мартдаги “Қашқадарё вилоятида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қарши туман Пахтазор маҳалласидаги Хитойнинг “Shanghai SUS Environment” компаниясига қаттиқ маи-

ший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш учун 17 гектар ер майдони ажратилди.

Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ёқиш орқали электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур инвестицион лойиҳанинг қиймати 310 млн доллар бўлиб, кунига 109 минг 500 тонна чиқиндини қайта ишлаб, 480 млн кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Сўзга чиққан депутатлар аҳоли сонининг кўпайиши туфайли воҳада қаттиқ маиший чиқиндилар ҳосил бўлишининг йиллик ҳажми ортиб бораётгани, уларни қайта ишлаш борасидаги амалий ишларни жадаллаштириш хусусида фикр билдиришди. Айниқса, ёз ойларида чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмаётгани боис турли юқумли касалликлар кўпаймоқда. Қишлоқларда бундай машиналар ҳатто икки ойда ҳам қорасини кўрсатмаётгани жиддий танқид қилинди. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш борасида амалий таклифлар ўртага ташланди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ХИРМОН ДОНГА, ДАСТУРХОН НОНГА ТЎПАДИ

Эрта баҳордан бошлаб, фермер-бободехқон саховатли замин бағрига не-не ёруғ умидлар билан бугдой уруғини қадайди ва шу маҳалданоқ кун санайди: қадалган ниҳоллар тўла-тўкис униб чиққунича озмунча тер тўкмайди, уларда на ҳаловат, на ҳузур бўлади.

Албатта ҳар қандай мавсумнинг, деҳқончиликнинг қандай келиши, аввало, об-ҳавога боғлиқ. Мутахассислар изоҳ берганидек, ғаллачиликда ҳам керак бўлса бир кун ғанимат. Яъни энг асосий агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ярим муваффақият гарови эканини улар яхши билади. Энг муҳими, туну кун қилган ҳалол меҳнатлари меvasи нақадар ширин ва тотли эканини ҳосил пишиб, етилиб, ўз вақтида ўриб-йиғиб олиниб, хирмонга тўкилган пайтда, айниқса, белгиланган режалар ошириб уддаланганидан кейингина англаб етади. Ана шундагина фермернинг кўнгли осмон қадар юксалади.

Шу маънода, бу йилги улкан ғалла хирмони омилкор деҳқон ва фермерлар, сувчилар, агроном ва механизаторлар, ғаллачилик кластерлари ҳамда соҳанинг фидойи олиму тажрибали мутахассисларининг заҳматли меҳнатлари эвазига яратилганини мамнуният билан таъкидлашни истардик. Эришилган улкан ютуқларимиз замирида албатта давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда аграр соҳада, хусусан, қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик тармоғида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, изчил ислохотларнинг амалий натижаси мужассамдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларига ўтиб бормоқда.

Президентимизнинг қатъий иродаси, узоқ истиқболни кўзлаб қилинган саъй-ҳаракатлари туфайли бевосита ғалла бозорини эркинлаштириш йўлида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Уч йил аввал “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий қарор қабул қилиниб, ғалла ҳосилини давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархлари қўлланилиб, ғаллачиликка ихтисослашган кластер ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилди. Бу эса, аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасини эркинлаштириш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий манфаатдорлигини ошириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган ҳаётий иборани бугун ҳам эсламоқ жоиз: қачонки фермер бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади. Биз тўла-ишонч билан айта оламизки, бугун фермерларимиз эришаётган ютуқлар ушбу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлайди.

Яна бир эътиборга молик жиҳати,



2020 йилдан давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти бекор қилиниб, соҳада босқичма-босқич бозор тамойиллари жорий этилди. Фермер хўжаликларга ғалла етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағларидан эркин фойдаланиш ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ва ресурс етказиб берувчиларни ихтиёрий танлаш ҳуқуқининг берилиши, шунингдек, донни харид қилиш ҳамда сотишда биржа механизмининг жорий этилиши юқори манфаатдорлиқни таъминламоқда.

Давлат ресурси ва биржа савдоларида сотиш учун ғалла топшириш кўпроқ манфаат келтираётганини фермерларимиз ўз фаолияти мисолида теран ҳис этишмоқда. Энг муҳими, улар учун яратиб берилаётган катта имконият ва имтиёзлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда.

Яхшиси, ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик. Фермер хўжаликларининг фидокорона меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида Президентимиз томонидан 2025 йил ҳосилидан бошлаб маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар амалдаги 12 фоиздан 10 фоизгача туширилиб, тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратиш тартиби жорий этилди. Сув тежовчи технологиялар жорий қилиш учун субсидия ажратилиши натижасида ёмғирлатиб суғориш тизимлари ўрнатилган ғалла майдонлари кенгайтирилди. Соҳа олимларининг илмий тавсиялари ҳамда ғалла экиш ва етиштиришнинг ҳар бир босқичида ўтказилган ўқув-амалий семинарлар, шунингдек, бободехқонлар таъбири билан айтганда, об-ҳавонинг қулай келиши мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Юртбошимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларга биноан

фермер ва қишлоқ хўжалиги субъектлари учун улкан имконият ва шароитлар яратилди.

Хусусан, 2025 йилнинг ўтган даврида қатор имтиёз ва ваколатлар берилганини таъкидлаш лозим:

Биринчидан, солиқ юки енгиллаштирилди: 2025 йил 19 мартда давлат раҳбари томонидан имзоланган фармонга мувофиқ, фермер хўжаликларининг солиқ қарздорлиги бўйича ҳисобланган пенялар ҳисобдан чиқарилди, ижро ишлари тўхтатилди;

Иккинчидан, Президентнинг 2025 йил 28 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот етиштириш ҳажминини кўпайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, пахтадан 60 ц/га, ғалладан 80 ц/гадан юқори ҳосил олган фермерларга бир қатор имтиёзлар жорий этилди:

ижарага олинган ерларнинг 25 фоиз қисмига алмашлаб экиш ҳуқуқи (чорва озукаси, сабзавот, мойли экинлар);

фермерлар кенгаши аъзолик бадали 0,6 фоиз ўрнига 0,3 фоиз этиб белгиланди;

ер солиғида базавий ставкага нисбатан мутаносиб равишда 3 каррагача камайтирувчи коэффицентлар қўллашга рухсат берилди.

Бундан руҳланган фермерлар бу йил ғалладан 80 центнер ва ундан юқори ҳосил олишга бел боғлаб, 2025 йил ҳосили учун жами 997 минг гектар сувли майдонларда кузги бошоқли дон экинлари экиб, парвариш қилишди.

Ғалладан юқори ҳосил етиштириш бўйича соҳа олимларининг **“Кузги бошоқли дон экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштиришда амалга ошириладиган долзарб агротехник тадбирлар тўғрисида”** тавсияномала-

ри ишлаб чиқилиб, ғалла етиштирувчи хўжаликларга етказилди.

Олайлик, ўтган йил кеч куздаги экиш мавсуми аввалги йилларга нисбатан **10-12** кун эрта яқунланиб, октябрнинг учинчи **10 кунлиги** ва ноябрь ойидаги ёғингарчиликлар ҳисобига асосий ғалла майдонларини тупроқнинг табиий намига ундириб олинди.

Шунингдек, март-май ойларида азотли минерал ўғитлар билан **3 марта (750-800 кг/га физик ҳолда)** ҳамда макро-микроўғитларга бойитилган биостимуляторлар билан суспензия усулида **4-5 марта** баргидан озиклантирилди.

Етиштирилган ҳосилни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олиш учун **2 минг 366 та** ғалла ўриш отрядлари ташкил этилиб, уларга **3 минг 104 та** (жумладан, 2025 йил **195 дона** янги сотиб олинган) юқори унумли комбайнлар **14 минг 133 та** юк автомобиллари, **2 минг 508 та** трактор тиркамаси бириктирилди.

Дастлаб туманлар кесимида қуйидаги статистик маълумотларга назар ташлайлик: Ромитан, Вобкент, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор, Касби, Косон, Нишон, Қамаш, Қизилтепа, Каттакўрғон, Оқдарё, Иштихон, Пахтачи, Ангор, Жарқўрғон, Қизирик, Термиз, Узун, Бўка, Пискент, Фурак, Учқўприк, Боғот, Гурлан, Хонқа, Ҳазорасп туманларида ўртача ҳосилдорлик 86-90 центнердан тўғри келган бўлса, Жондор, Қорақўл, Арнасой, Шароф Рашидов, Зарбдор, Муборак, Миришкор, Ғузор, Навбахор, Тўрақўрғон, Уйчи, Наманган, Норин, Жомбой, Пастдарғом, Денов, Қумқўрғон, Шеробод, Юқориқирчиқ, Ўртақирчиқ, Чиноз, Қўйичирчиқ, Қибрай, Бешариқ, Боғдод, Данғара, Қўштепа, Риштон, Фарғона туманларида 80-85 центнерни ташкил этди.

Шунингдек, ғалла парваришида илғор агротехнологиялар қўллаган Мирзачўл туманидаги “Файз Шохрух”, Дўстлик туманидаги “Барака”, “Чашма-2”, Пахтачи туманидаги “Норбўта Мейлиевич даласи”, “Фаррух”, Ангор туманидаги “Ўктамбек Суннатбек”, “Зилола Сарвар Сурхон”, Денов туманидаги “Ислом Ахмад Мирзаевлар”, “Алпомиш Денов”, Жарқўрғон туманидаги “Халқобод Гулистон”, Олтинсой туманидаги “Амиров Дилмурод”, “Тарағай замини”, Термиз туманидаги “Шухрат Термиз”, “Улуғбек Хуррамов”, Ҳазорасп туманидаги “Сулаймон”, “Соли туркман”, “Сотиболди кулол”, “Ғофур Рухия” фермер хўжаликларида 100 центнердан ҳосил олингани рекорд натижа бўлди!

Эришилаётган бу каби юксак муваффақиятлар ортида, яна бир бор таъкидлаймиз, лафзи ҳалол деҳқон ва фермерларимиз, соҳа фидойиларининг фидокорона меҳнати ётибди. Асосийси, пухта ўйланган ислохотлар ва илмий ёндашувларнинг амалий самараси ана шу ютуқларни қўлга кириштида мустаҳкам замин бўлди.

Бугун фермерлар нафақат иқтисодиёт локомотивлари, балки юрт ободлиги, Ватан равнақи, халқ маъмурчилиги йўлида астойдил жон куйдираётган фаол қатламга айланди. Бир сўз билан айтганда, Ҳақ олдида, халқ олдида юзимиз ёруғ бўлганидан барчамиз фахрланамиз, қувонамиз.

Зокир АЛЛАМУРОДОВ,
Ўзбекистон фермерлари кенгаши бўлим бошлиғи

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҲАМ ҒАЛЛА ЙИЛИ БЎЛДИ!

Ҳозирги мураккаб глобал иқтисодий шароитда, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги бутун дунё учун долзарб муаммога айланаётган бир пайтда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд ресурс ва имкониятлардан унумли фойдаланиш, энг аввало, халқимизнинг барқарор ҳаёти ҳамда фаровон келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонимизнинг бу йилги улкан ғалла хирмони – омилкор деҳқон ва фермерлар, сувчилар, агроном ва механизаторлар, ғаллачилик кластерлари



ҳамда соҳада фаолият юритаётган фидойи олим ва тажрибали мутахассисларнинг заҳматли меҳнатлари самарасидир.

Фермерлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида 2025 йил ҳосилидан бошлаб маҳсулот етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган имтиёзли кредитлар фоизи амалдагидан 12 фоиздан 10 фоизгача туширилди ва ушбу кредитлар тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратиладиган бўлди.

Қорақалпоғистон Республикаси фермер ва деҳқонлари ҳам қишлоқ хўжалиги майдонларида фидокорона меҳнат қилиб, ўрим-йиғим ишларини тизимли ва ташкиллашган ҳолда амалга ошириш мақсадида 184 та махсус ўрим отрядлари тузилди. Улар замонавий ва юқори унумли ғалла ўриш комбайнлари билан таъминланди.

Айтиш жоизки, бу йил Қорақалпоғистон учун ҳақиқий ғалла йили бўлди. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган махсус қарор республикамизга янги техника ва агрегатлар кириб келишини таъминлади. Бу эса ҳосилдорлик ошишига салмоқли ҳисса қўшди.

Шу билан бирга, баҳор ойларида об-ҳаво шароити жуда қулай келиб, ғалланинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, бу йил Оролбўйида ғалладан ҳар йилгидан ҳам мўл хирмон яратилмоқда.

Аксарият фермер хўжаликлари ер майдонларидан ўртача 90-95 центнердан ҳосил олмоқда. Масалан, Беруний туманидаги “Юлдош Катли” фермер хўжалиги, “Олмосбек Тўлқинжон ўғли”, “Мухриддин Қўрбонбоев”, Хўжайли туманидаги “Ботир Аркадий”, “Агро Азербай” ва “Султанов Тўхтабой” фермер хўжаликлари, Тахиятош туманидаги “Саъдуллаев Жамшид” ҳамда “Жалайр” фермер хўжаликлари 90-95 центнер ҳосилга эришди. Аини пайтда туманларда ғалладан бўшаган майдонлар такрорий экинлар учун тайёрланмоқда. Бу эса аҳолимизни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда муҳим қадам ҳисобланади.

Деҳқон ва фермерларнинг тинимсиз меҳнати, агрономларнинг илмий ва амалий тажрибаси, соҳа мутахассисларининг масъулиятли ёндашуви бу юксак натижаларга эришишда ҳал қилувчи ўрин тутди. Улар сидқидилдан ишлаб, ўз вазифаларига юксак масъулият билан ёндашдилар.

Айни пайтда ҳосилни қабул қилиш, саралаш, тозалаш ва сақлаш ишлари қатъий назорат остида амалга оширилмоқда. Замонавий ускуналар ёрдамида ғалланинг сифати ва сақланиш муддатлари таъминланмоқда.

Бу ютуқлар нафақат Қорақалпоғистон, балки мамлакатимизнинг иқтисодий барқарорлиги, аҳоли фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Илҳом ЮНУСОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси фермерлари кенгаши раиси





Рўйхатларда бормиди номи?..

Яқинда ижтимоий тармоқларда ёйинланган расмий хабарда шундай дейилади: “Қирғизистон Миллий ҳавфсизлик давлат қўмитаси Ишонали Арабев номидаги Қирғизистон давлат университетида хизмат сохтакорлиги ҳолатини аниқлади. Текширувларга кўра, расмий равишда университетга қабул қилинган 59 нафар хорижий талаба амалда Қирғизистонга бормаган ва ўқш жараёнида қатнашмаган. Бироқ ушбу шахсларнинг ҳужжатлари университетда фаол талабалар сифатида сақланиб турган...”.

Яна текшириш натижаси бўйича масъулларга жиноят иши очилгани ва уша “рўйхатларда номи бор талабалар” университetten четлаштирилгани айтилади.

Биз учун афсусланарлиси, ушбу “сохта талабалар”-нинг 30 нафари юртдошимиз эканлигидир. Хабарда улар таълимнинг қайси турида “таҳсил олишгаётгани” очиқланмаган бўлса-да, “фаол талабалар сифатида...” иборасидан кундузги бўлим эканлигини аниқлашди.

Агарда ҳар куни талабалар давомати юритиладиган (кузатув камераларини айтиб ўтирмайлик) давлат илм даргоҳида аҳвол шу даражага етган бўлса, унда сиртки бўлимда вазият қандайлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бундан тўрт йил олдин кўшни қишлоқлик бир танишим Қозоғистондаги қайсидир университетнинг тўртинчи босқичида ўқийдиган ўғлини мактаблардан бирига жойлаштириб қўйишда ёрдамлашиш илтимоси билан келди. Ундан “Ўғлингиз сиртки бўлимда ўқийдими?” деб сўрадим ва “Йўқ, кундузги бўлимда ўқийди. Йилда икки марта 20 кун бориб, сессияда қатнашиб келади. Хусусий университет экан, контракт пулини тўлаб турибмиз...” деган жавобидан ҳайратга тушдим.

Тоғамизнинг невараси кўшни давлатлардан биридаги университетнинг ҳуқуқшунослик факультетида “ўқийди”. Қўштирноққа олганим сабабини аниқлашди, ўша йилги эрта-ю кеч қирақашлик қилади, каттагина контракт пулини тўлаш керак-да, ахир! Энг қизиғи, “студент” Қозоғистонга бориш у ёқда турсин, шу ёшга кириб Хоразмдан ташқари-га ҳам чиқиб кўрмаган ҳали...

Эшитишимча, кўшни давлатларда очилган хусусий университетларда онлайн усулида таҳсил олаётган ёшлар ҳам кам эмас экан. Улар ҳар ҳафтада ўқув даргоҳи томонидан юборилган дарс дастури бўйича “ўқиб, ўрганиб”,



саволларга почта орқали жавоб жўнатишаркан. Қизиғи, бу шоввозлардан бирортаси ҳам ҳали ўзи ўқийтган университет оstonасига қадам босмаган. Қишки ва ёзги семестрлар давомиде ҳам айнан онлайн тарзда имтиҳон топширишаркан...

Қандай замонларга келиб қолдик, айтинг! Буниси энди қандай таълим бўлди?

Савол туғилди: менда: ана шу “онлайн талабалар” почта орқали ёзиб жўнатадиган дарс ишланмаларини ўзлари тайёрлаётганмикан? Ёки онлайн тарзда бўладиган имтиҳонлар қай даражада ҳолис ўтади? Уларга берилган “уй вазифа”ларини маълум миқдордаги пул эвазига бирор малакали мутахассис ёзиб бермаслигига қаролат борми? Ёки айнаи синовлар маҳали “беиминнат ёрдамчи”лар улар ёнида ўтириши мумкин-ку!

Шу тариқа ўқийтганлар эртага ўз соҳаси бўйича иш

бошлайдими? Энди ҳақли савол туғилади: ҳўш, улар таълим берган ўқувчи ёки бошқа соҳадаги фаолиятининг сифати ва самараси қандай бўлади? Демак, бундай усулда ўқиш билан пулга диплом сотиб олиш ўртасида қандай фарқ бор, айтинг!

Боготлик тажрибали стоматолог Латифхўжа Усмонхўжаев куйиниб гапириб қолди: “Масалан, биз тиш дўхтири бўлиш учун мединститутда беш йил ўқидик, яна икки йил иш ўрганувчи бўлдик. Ҳозир эса...ёқамни ушлаб қоляпман, Қирғизистонга бир кун ҳам бормасдан, тиббиёт институти-ни онлайн тарзда битирган ва стоматолог дипломи олган-лар ёнимизда ишлашапти. Инсон соғлиғи билан ўйнашиб бўладими?”

Ушбу мақолани қоралашга сабаб бўлмиш расмий хабарда Қирғизистондаги биргина давлат университетида ўрганилган сохтакорлик эслатилган, холос. Биздаги каби

уларда ҳам сўнгги йилларда хусусий университетлар роса “болалаб” кетгани ҳеч кимга сир эмас. Давлатга қарашли университетда аҳвол шундай бўлса, хусусий ОТМда...тасаввур қилаверинг ё ёғини!

Диплом олишдаги сохтакорлик илмсизликка олиб келади. Бир юмалаб олий маълумот эгаси бўлган мутахассис катта пул эвазига қўлга қиритган дипломини фақат дўстларига мактаниш учун олмаган ёки сандиқда сақламайди, ўз мутахассислиги бўйича иш излайди, керак бўлса тезда топади ҳам ва қолган саргузаштлар аён.

Хўп, дейлик, педагог ёки муҳандис дипломини ана шундай қинғир йўллар орқали олганлар тақдири маълум: тажрибасизлиги, укувсизлиги учун ишдан четлатилар. Лекин фирморлик билан диплом олган бўлғуси шифокорнинг хатоси жуда қимматга тушишини ҳаётда кўриб келяпмиз.

Кўшни Қирғизистонда ўттиз нафар “сохта” талаба ўқишдан четлатилибди. Улар ўқишининг қайси босқичида экани аянам қизиқ. Чунки уларнинг контракт учун тўланган пуллари ҳавога учди-кетди. Олдинда эса яна қанча асабб-узарлик, сарсон-саргардонлик турибди ҳали.

Шу кунларда талаба бўлмоқ учун юрак ютиб, навбатдаги синовларга жиддий тайёргарлик кўраётган йилги-қизларнинг ота-оналари фарзандлари қайси олий ўқув юрти-ни танлаганликларини қатъий назорат қилишлари шарт. Аксинча, қуйиб қолишлари ҳеч гапмас.

Бундан беш йилча бурун амалиётга айлантирилган сиртки таълим тизими амалдаги йилдан бошлаб тугатилганидан хабарингиз бор. Нега сиртки таълим тизимининг “умри” бу қадар қисқа бўлди? Демак, ўрганишлар шунки кўрсатяптики, бундай тизимнинг ортида ҳам айнан юқорида эслатилган ҳолатлар – сохта ўқиш, сохта синовлар, сохта курс ишлари ёқлашлар ётгани шубҳасиз.

Шу ўринда қизиқ бир аниқлашмовчиликка дуч келамиз. Ўзимиздаги сиртки таълим ўзини оқламаган экан, нега унда яқин хорижда шу усулда ўқийтганларга ишонишимиз керак? Қани мантиқ?

Эсингизда бўлса, бир вақтлар амалда бўлган тартибга кўра хорижий олий даргоҳларда таҳсил олганларнинг дипломи олинган кўнунчилик талабларига мос келиши эътиборга олинар, белгиланган талабларга жавоб берсагина мутахассис сифатида ишлашига рухсат бериларди. Ушбу амалиёт бекор қилинган, юқоридаги каби сохтакорчиликлар пайдо бўла бошлади. Балки эндиликда хорижий (айниқса хусусий) олий ўқув юртилар дипломини олган мутахассисларни махсус синов ёки имтиҳондан ўтказиш тартибини жорий қилиш керакдир?

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

МАНЗИЛЛИ МУЛОҚОТ

Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Холматов 25-Навоий райони бўлимига кирувчи ҳудудларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказди.

Мазкур сайлов округи Зомин туманидаги 6 та – Гулшан, Навоий, Нуриликент, Қўштол, Пешағор, Ёшлик ҳамда Зарбдор туманидаги 4 та – Ёшлик, Навбахор, Оқар, Тошкесган маҳаллаларини қамраб олган.

Халқ вакили дастлаб Зарбдор туманидаги Тошкесган маҳалла ах-

айрим кўчаларида ички йўللари шағаллаштириш ва асфальтлаштириш масаласи ҳам кўтарилди.

Аҳолининг зарур эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Оқарга тез тиббий ёрдам машинаси ажратиш, “Тошкесган ота” зиёратгоҳини ободонлаштириш, ичимлик суви тармоғини кенгайтириш, Тош-

нафақат маблағнинг самарасиз сарфланиши, балки аҳоли ҳаётидаги долзарб муаммолар ечилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Сайёр қабулдан сўнг, мутасадди ташкилотлар ушбу камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш ишларини бошлаб юборишларини маълум қилдилар.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари манзилли қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Бу борада аниқ ёрдам чоралари белгиланди.



ли билан кечган самимий мулоқотда одамларни ташвишга солаётган қатор муаммолар очик ва ошқора муҳокама қилинди, уларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар белгиланган олинди. Масалан, Ёшлик ва Тошкесган маҳаллаларида электр таъминотини яхшилаш мақсадида трансформатор ўрнатилиш, эскирган симёғочларни алмаштириш, Оқар маҳалласидан ўтувчи автомобиль йўлининг 5,5 км қисмини ҳамда ушбу маҳаллани Тошкесган билан боғловчи 9 км масофадаги йўлни тўлиқ таъмирлаш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Навбахор маҳалласининг

кесгандаги кўприкни таъмирлаш каби масалалар кўриб чиқилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгиланган олинди.

Учрашувларда эътироф этилган айрим муаммолар эса ҳақли равишда жиддий мулоҳазага ўндайди. Масалан, Навоий, Пешағор, Ёшлик маҳаллаларида артезиан қудуқлари қурилган бўлса-да, пудратчилар томонидан иш охиригача битказилмагани сабабли ичимлик суви аҳоли хонадонларига етиб бормаяпти. Бу ҳолат, афсуски, бажариш ишлар мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилида амалга оширилганини аниқлатади. Бу эса

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жонкуяр депутат Эркин Холматовнинг бу каби жонли мулоқотлари давомиде Зарбдор ва Зомин туманларида яшовчи фуқаролардан келиб тушган барча муносабатлар тегишли ташкилотлар, маҳалла фаоллари, депутатлар ҳамда ҳудуддаги обрўли нуронийлар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳар бир муносабатнинг ижроси депутат назоратида олинди.

O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати

РЕКЛАМА ҲУҚУҚИ АСОСИДА

БУНЁДКОРЛИК ДАВОМ ЭТАВЕРАДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш, аниққса, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат раҳбарининг 2024 йилдаги тегишли қарорига мувофиқ, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш, таълим муассасаларини сақлаш харажатларини қисқартириш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси шаклида ташкил этилган эди.

Ўтган қисқа муддат ичида мазкур компания буюртмалари асосида давлат дастурилар доирасида қатор замонавий, кўркам таълим масканлари барпо этилди, мавжудлари эса мукамал таъмирланди. Бундай сайё-харакатлар, аввало, ёш авлод учун муносиб таълим муҳитини яратиш, уларнинг илм олиш шароитларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жорий йилги давлат дастурига асосан, Самарқанд вилояти бўйича жами 104 та мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида реконструкция ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Самарқанд туманидаги Обод турмуш маҳалласида жойлашган 25-ўрта мактабда ўқувчилар сони ортиб, қўшимча бинога эҳтиёж пайдо бўлган эди. Мазкур масала ечими сифатида 180 ўринли янги ўқув биноси



Суратда: (чапда) “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДМ Тошкент вилояти бўлими бош муҳандиси Дамир Шокиров ва “Сув бино таъмир” МЧЖ муҳандиси Рашидбек Юсупов.

барпо этилмоқда. Бу бино “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси”нинг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими буюртмасига асосан қурилмоқда. Бунёдкорлик ишларини “U. Sh. Sabina” МЧЖ ва ёрдамчи пудратчи “Develop Stroy” МЧЖ олиб бормоқда. Қурилишга тажрибали муҳандис Жаҳоҳир Ҳанов раҳбарлик қилмоқда. Янги ўқув йилигача бино фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Сурхондарё вилояти Бандихон туманининг Бағрикент маҳалласида ишлари энди қўшни маҳаллага қатнаб ўқишмайди. Чунки бу ерда айни пайтда 330 ўринли замонавий мактаб барпо этилмоқда. Жами қурилиш қиймати 12 миллиард сўмни ташкил этган ушбу таълим масканида спорт зали (12х24 метр), ошона ва замонавий синфхоналардан ташқари, лойиҳага мувофиқ ювиниш ҳамда санитария-

я-гиена хоналари ҳам ичкаридан жой олган. Бу лойиҳани белгиланган муддатдан олдин ва сифатли яқунлаш мақсадида “Otabek-S” МЧЖ бинокорлари барча куч ва имкониятларини сафарбар этишмоқда. Улар қурилиш бўйича белгиланган талаб-меъёрларга тўла амал қилган ҳолда иш олиб боришяпти.

Пойтахтимизга яқин бўлган Чирчиқ шаҳрида жойлашган 860 ўринли 2-сонли умумтаълим мактаби анча эскирган ва таъмирталаб ҳолатда эди. 2025-2027 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган Президент қарори асосида бу ерда ҳам мукамал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Барча эшик ва ромлар янгиланмоқда, том қисми, ички йўлаклар ва синфхона поллари замонавий материаллар билан қайта таъмирланмоқда. Бинонинг фасад қисми иссиқликни тежайдиган махсус қопламалар билан қопланмоқда.

Мазкур лойиҳа “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” буюртмасига асосан “Сув бино таъмир” МЧЖ томонидан амалга оширилмоқда. Тажрибали курувчи Мурод Юсупов бошчилигидаги жамоа бу ишни масъулият ва сидқидилдан олиб бормоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган



